

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАБИАТИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

А.Б.Пардаев

Самарқанд давлат университети

Резюме

В статье изучаются лингвистические особенности служебных слов узбекского языка

Ўзбек тилининг ёрдамчи сўзлари мустақил сўз туркумларига мансуб сўзлар ўртасидаги муносабатни, алоқани таъминлайдиган ёки воситачилик қиладиган тил элементларидир. Маълумки, тилимизда ёрдамчи сўзлар дейилганда кўмакчи, боғловчи, юклама назарда тутилади.

Кўмакчилар от ва отлашган сўзлардан кейин келиб, қурол, восита, мақсад, сабаб, пайт, ўрин ва шарт маъноларини билдириш учун қўлланади.

Боғловчилар сўзларни, уюшиқ бўлақларни ва содда гап қисмларини боғлаш учун қўлланади. Юкламалар эса сўз ёки гапларга кўшимча маъно бериш учун қўлланувчи сўз ва аффикслар гуруҳи ҳисобланади.

Ёрдамчи сўзларнинг бу уч гуруҳи бир туркум сифатида қаралса-да, лингвистик табиатига кўра улар бир-биридан аниқ фарқланади.

Ушбу мақолада ўзбек тили ёрдамчи сўзларидан бири - кўмакчилар атрофида баҳсга сабаб бўлаётган айрим масалалар хусусида ўз мулоҳазаларимизни билдирамиз.

Ўзбек тилшунослигида қолаверса, туркологияда кўмакчиларни диахрон ва синхрон аспектда ўрганиш борасида йирик тадқиқот ишларини олиб борган олим Т.Рустамовдир. Олимнинг «Соф кўмакчилар» асари ўзбек тилшунослигида кўмакчиларни диахроник йўналишда ўрганишга бағишланган йирик ҳажмдаги тадқиқотдир. Асарнинг ёзилишига XIII-XX асрлар ёзма ёдгорликлари манба бўлиб ҳисобланган ва минг йилга яқин даврни ўз ичига олган материаллар учга бўлиб ўрганилган: XIII-XIV аср ёзма ёдгорликлари; XV-XVI аср ёзма ёдгорликлари; XVII-XX асрнинг бошлари ёзма ёдгорликлари. Шу асосда туркий тиллар (ўзбек, туркман, чуваш, қозоқ) ва диалектологик манбалар қиёсий ўрганилган.

Муаллиф тадқиқотнинг кириш қисмида кўмакчиларни ўрганиш нафақат грамматиканинг, шу билан бирга, лексикология ва семасиологиянинг ҳам баъзи масалаларини ҳал этишга кўмаклашиши ва кўмакчилар мустақил маъноли сўзлардан келиб чиққанлиги ҳақидаги фикрнинг тўғри эканлигини таъкидлайди.

Муаллиф кўмакчилар кейинги пайтларда, асосан, иккита катта гуруҳга – соф кўмакчилар ва функционал кўмакчиларга бўлиб ўрганилаётганлигини, соф кўмакчилар таркибидаги морфологик кўшимчалар ўзларининг грамматик хусусиятини батамом ёки қисман йўқотиб, ўзи бирикиб келган сўзнинг кўмакчи функциясини бажариши учун хизмат қилишини, ҳозирги нутқимизда ҳам кўмакчи, ҳам мустақил сўз сифатида қўлланаётган кўмакчилар функционал кўмакчилар деб аталишини қайд қилади. Кўмакчилар сўзми, уларда лексик маъно мавжудми деган саволларни ўртага

кўйиб, кўмакчиларнинг мустақил сўз эканлигини асослашга ҳаракат қилади, кўмакчиларнинг лексик маъноси ўзи бирикиб келаётган мустақил маъноли сўзнинг лексик маъносига боғлиқ эканлигини, уларнинг барчаси учун умумий бўлган хусусият синонимлик бўлиб, албатта, ҳар қайси кўмакчининг ўзига хос стилистик аҳамияти ҳам сезилиб туришини мисоллар асосида далиллайди.

У кўмакчиларнинг мустақил маъноли сўзлардан фарқи кўмакчилар мустақил лексик маъно йўқ эканлигидагина эмас, балки кўмакчилардаги лексик маъно қандайдир ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар мустақил маъноли сўзларга бириккандагина пайдо бўлишидир, деб ҳисоблайди.

Т.Рустамов кўмакчининг сўз эканлигини исботлашга интилиб, бунга олти сабабни асос сифатида келтиради. Унингча, тилшуносликда «ёрдамчи сўз» атамасининг ишлатилиб келинаётганлиги, ёрдамчи сўзларнинг мустақил сўзлардан келиб чиққанлиги, тилда от-кўмакчилар, сифат-кўмакчилар, равиш-кўмакчилар, феъл-кўмакчиларнинг мавжудлиги, кўмакчиларнинг ҳам ижтимоий қийматга эга бўлган товушлардан иборатлиги ва нуткий қуршовда ўз урғусига эга бўлиши, мустақил сўзларга бирикиб сўз бирикмасини ҳосил қилиши ана шу асослар бўлиб ҳисобланади (6, 12).

Т.Рустамовнинг кузатишлари кўмакчиларни ҳам диахроник, ҳам синхроник тарзда ўрганишга, уларнинг тараққиёт даражаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга кўмаклашади. Муаллиф кўмакчиларнинг туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилидаги амалда бўлиш ва меъёрлашув босқичларини ўрганар экан жуда катта ҳажмдаги тарихий манбалардан материал сифатида фойдаланган. Олимнинг хизматлари шундаки, кўмакчиларни ёрдамчи сўзлар сифатида таҳлил этиб, уларнинг грамматик маъноларини лексик маънолари билан биргаликда кичик синтактик қуршовда олиб ўрганади ва, шу йўл билан, улар бирикиб келган сўзлар ва уларнинг лексик-грамматик маъноларининг юзага келишидаги хизматлари, бошқа сўзларга бирикиш хусусиятлари кўрсатиб берилади. Ишда ўрни билан айрим кўмакчиларларнинг бошқа кўмакчиларга ёки грамматик воситаларга синонимияси, фразеологик бирликлар ҳосил қилиш жараёнидаги иштироки хусусида ҳамда уларнинг функционал имкониятлари ҳақида ҳам гап боради.

Аммо ўзбек тилшунослигида кўмакчилар атрофида баҳсга сабаб бўлаётган айрим масалалардан бири - ҳозиргача ҳам баъзи олимларнинг кўмакчиларни сўз сўз сифатида тан олмаганларидир (6, 11).

Лекин нафақат кўмакчиларни, балки бошқа ёрдамчи сўзларни ҳам сўз деб ҳисобламаслик «сўз» атамасини «лексема» тушунчаси билан алмаштиришдан келиб чиққан, деб ўйлаймиз. А.Ҳожиёвнинг «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати»даги бу атамаларнинг шарҳини кўздан кечирамиз: «**Лексема.** Тилнинг луғат таркибига хос бирлик, тил қурилишининг луғавий маъно англатувчи унсури» (8, 56). «**Сўз.** Лексеманинг нутқда муайян шакл ва вазифа билан воқеланган кўриниши. Ўз товуш қобиғига эга бўлган, объектив нарсалар ҳақидаги тушунчани, улар ўртасидаги алоқани ёки уларга муносабатларни ифодалай оладиган, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг кичик нутқ бирлиги» (8,

95). Дарҳақиқат, бу шарҳларда сўзнинг лексема деб аталиши, лексеманинг эса луғавий маъно англатувчи унсур ҳисобланиши ёрдамчи сўзларни сўз деб аташга раҳна солувчи фикрлардир. Чунки ёрдамчи сўзларнинг лингвистик табиати уларни шарҳлардаги тарзда, яъни луғавий бирлик сифатида қарашга имкон бермайди. Лекин масалага биров бошқачароқ тарзда ёндашиш уни ойдинлаштиради. Бунинг учун «сўз» атамасини кенгроқ маънода тушуниш, бошқачароқ қилиб айтганда О.С.Ахманованинг сўзга берган таърифидан келиб чиқиб иш тутиш лозим бўлади.

О.С.Ахманова «сўз»га икки маънода таъриф берган: «Сўз (гlossa) *ингл.* word, *фр.* mot, *нем.* wort, *исп.* palabra. 1. Воқеликнинг маълум «соҳаси» («қисми») нинг умумлашган тарздаги акси сифатида фикр предмети билан бевосита муносабатга киришга қодир бўлган ва мана шу кейингисига йўналган гапни ташкил этадиган охириги чегарадир. 2. (эркин шакл) 1-чи маънодан фарқли равишда гапнинг юзага чиқиш имконияти бўлган ва фақат синтактик планда қараладиган минимумидир»(1; 422). У мана шу иккинчи маънода тушуниладиган сўзнинг: а) морфологик тузилиши ва ўзгаришига, б) семантик типларига, в) фонетик типларига, г) синтактик вазифаларига, д) стилистик дифференциациясига, е) адабий тилга муносабатига, ж) келиб чиқишига кўра турларини фарқлайди ва синтактик вазифаларига кўра сўзларни яна қуйидагича номлайди: мустақил (автоном, автосемантик, категорематик, лексикографик, тўлиқ маъноли, тўлиқ, асосий, мустақил, лексик), ёрдамчи (қисман грамматик, синсемантик, синкатегорематик, грамматик, нотўлиқ маъноли, мустақил бўлмаган, қуруқ, юзаки, қисман, боғловчи, боғлиқ); қарам, қарам бўлмаган, таянч, иккинчи даражали, кучайтирувчи, ажратиб кўрсатувчи, коррелятив, ёрдамчи, боғловчи (нисбий) сўзлар; етакчи сўзлар; кириш сўзлар; киритувчи сўзлар; предикатив сўзлар (шахсиз предикативлар); жуфт сўзлар; функционал сўзлар (1; 422).

Демак, кўмакчиларни ҳам бемалол сўз деб ҳисоблашга ва уни иккинчи маънода тушунишга тўла асос бор.

Кўмакчиларни ёрдамчи сўз сифатида эътироф этувчи фикрлар ўзбек тилшунослигида анчагина. Яна уларнинг айримларига мурожаат қиламиз.

А.Н.Кононов «Грамматика языка тюркских рунических памятников. VII-IX вв.» асарида кўмакчилар, боғловчилар, юкламалар, модал сўзлар, ундовларнинг бир қисмини ёрдамчи сўзлар сифатида қарайди ва қорахонийлар давридан бошлаб туркий ёрдамчи сўзлар араб ва форс тили ўзлашмалари томонидан сиқиб чиқарилганлигини қайд этади(4,200). Ҳ.Неъматов берган маълумотлар эса кўмакчиларни ёрдамчи сўзлар доирасида қарашда ҳам иккиланишлар мавжудлигидан далолат беради: «Кўмакчилар (ва, умуман, ёрдамчи сўзлар)нинг тил системасидаги тутган ўрни масаласи тилшуносликда мунозарали бўлиб қолмоқда. Баъзи тилшунослар (Е.Курилович, А.И.Моисеев, А.Г.Лыков, О.П.Суник ва бошқалар) уларни кўшимчалар сирасига киритсалар, бошқалари (В.В.Виноградов, А.И.Смирницкий, О.Есперсен, М.М.Гухман, Е.Т.Черкасова ва бошқалар) уларни чала (частичное) ёки ёрдамчи сўзлар деб атайдилар» (5, 46).

Тўғри, кўмакчилар ҳам нутқ жараёнида айрим қўшимчалар бажарган вазифаларни адо этиши мумкин. Аммо бу ҳол уларни қўшимчаларга тенглаштириб қўйишга асос бўлолмайди. Бунга биз уларнинг стилистик имкониятларини ўрганиш жараёнида амин бўлдик.

Кўмакчиларнинг ёрдамчи сўзларга хос бўлган барча хусусиятларга эга эканлиги уларни ҳам сўз туркумларининг ана шу иккинчи гуруҳи доирасида қарашга асос бўлади.

Бу ўринда шу нарсани таъкидлашни истар эдикки, улар маълум маънода мустақил сўзлар билан ёрдамчи сўзлар ўртасида кўприк вазифасини ўтаб, «ёрдамчи сўзлар мустақил сўзлардан келиб чиққан» деган фикрни доимо эслатиб туради. Бу нозик муносабатларни пайкаган Ҳ.Неъматов уларга нисбатан «мустақил-ёрдамчи сўзлар» атамасини қўллайди (5, 48).

Соф кўмакчилар функцияси, морфологик ўзгармаслиги, алоҳида урғуга эга эмаслиги, мустақил сўзларсиз қўллана олмаслиги билан, қисман бўлса-да, қўшимчаларга (келишик аффиксларига) ўхшаса, мустақил-ёрдамчи сўзлар морфологик хусусиятлари, яқка ҳолда қўлланила олиши билан мустақил сўзларга яқин туради. Демак, мустақил-ёрдамчи сўзлар соф ёрдамчи сўзлар ва соф мустақил сўзлар орасида оралиқ ўринни эгаллайди»(5, 48-49).

Яна шу нарсани ҳам таъкидлашни истар эдикки, тил тараққиёти силсиласида айрим мустақил сўзларнинг ёрдамчи сўзларга ўтиб туриши тарихий жараён бўлиб, сўзларнинг нутқда кўчма маънода қўлланилиши ҳам уларнинг ёрдамчи сўзларга айланишига сабаб бўлади. Қиёс учун: *одамнинг қоши - университет қошида, одамнинг боши - кўчанинг боши* ва ҳ.к.

Лингвистик адабиётларда кўмакчиларга оид мунозаралардан яна бири уларнинг лексик маънолари ҳақидадир. Бир гуруҳ олимлар кўмакчиларда луғавий маъно мавжуд дейишса, бошқалари буни инкор этишади. Жумладан, Т.Рустамов ҳам улар лексик маънога эга деган фикр тарафдори сифатида шундай дейди: «...мустақил маъноли сўзларда ҳам, ёрдамчи сўзларда ҳам лексик ва грамматик маъно мавжуд. Лекин бундан улар мустақил маъноли сўзлардаги лексик ва грамматик маънога тенг хусусиятга эга деган фикр келиб чиқмайди»(6, 12). «Кўмакчиларда ҳам категориал маъно ва ўзига хос хусусиятга эга бўлган лексик маъно мавжуддир. Кўмакчиларнинг категориал маъноси уларнинг бошқа бир мустақил сўзга бирикиб келишидир. Кўмакчилар икки томонлама синтактик муносабатни яратадилар, яъни тобе бўлакка бирикиб, ўша тобе бўлакнинг ҳоким бўлакка тобеланиш муносабатини таъминлайди. Кўмакчилар бу хусусияти билан мустақил маъноли сўзлардан фарқланади. Кўмакчиларнинг лексик маъноси ўзи бирикиб келаётган мустақил маъноли сўзнинг лексик маъносига боғлиқдир» (6,12).

Т.Рустамов кўмакчиларда лексик маъно мавжуд, деган фикрни илгари сурак экан яна қуйидагиларни ёзади: «Кўмакчиларда ҳам категориал маъно ва ўзига хос хусусиятга эга бўлган лексик маъно мавжуддир. Кўмакчиларнинг категориал маъноси уларнинг бошқа бир мустақил сўзга бирикиб келишидир. Кўмакчилар икки томонлама синтактик муносабатни яратадилар, яъни тобе бўлакка бирикиб, ўша тобе бўлакнинг ҳоким бўлакка

тобеланиш муносабатини таъминлайди. Кўмакчилар бу хусусияти билан мустақил маъноли сўзлардан фарқланади». «Кўмакчиларнинг мустақил маъноли сўзлардан фарқи кўмакчилар мустақил лексик маъно йўқ эканлигидагина эмас, балки кўмакчилардаги лексик маъно қандайдир ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар мустақил маъноли сўзларга бириккандagina пайдо бўлишидадир. Масалан, **мақсад, сабаб** отлари **мақсадида, сабабли** морфологик шаклларида кўмакчи категориясига ўтиб, соф кўмакчилардек грамматик хусусиятга эга бўлиб, мақсад, сабаб маъноларини ифодалядилар: *Бу шаҳарга ўқиш мақсадида келган эдим. Таниганим ва билганим сабабли унга алоҳида ҳурмат билдирдим.* Айрим кўмакчилар ҳам мустақил маъноли сўзларга бирикиб, сабаб, мақсад маъноларини билдирадилар. Бундай сабаб, мақсад маъноси ўша кўмакчининг лексик маъноси ҳисобланади: *У кўп ўқигани учун кўп билади (сабаб). Сиз билан суҳбатлашиш учун келдим (мақсад) ва б.*»(6,14).

Олим таҳлил этган мисоллардан сўзнинг лексик ва грамматик маънолари аралаштириб юборилгани англашилмоқда.

Шунинг учун ҳам Т.Рустамовнинг кўмакчилар лексик маънога эга, деган фикри етарли асосланган, деб айта олмаймиз. Кўмакчиларда нарса ва ходисани номлаш хусусияти йўқ экан, унга луғавий бирлик сифатида қарашнинг имкони ҳам мавжуд эмас. Аммо уларнинг нутқдаги хизматлари шундан иборатки, айрим ҳолларда ўзи боғланиб келган лексеманинг маъносига жиддий таъсир кўрсатади. Бундай хусусиятга бошқа бирорта ёрдамчи сўз эга эмас. Шунинг учун унинг «Кўмакчиларнинг лексик маъноси ўзи бирикиб келаётган мустақил маъноли сўзнинг лексик маъносига боғлиқдир», деган фикри бир қадар мавҳумдир.

Кўмакчиларнинг лексик маънога эга эмаслиги, уларнинг ўзига хос лингвистик бирлик эканлиги бундан 60 йил муқаддам Ҳ.Бердиёров томонидан асослаб берилган эди. Жумладан, олим бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди: «Сўнгкўмакчилар гапда турли синтаксистик муносабатларни бажариб, гапнинг бирор бўлагига боғланган ҳолда қўлланилади. Сўнгкўмакчилар мустақил лексик маънога эга бўлган сўзлардан, мустақил ҳолда қўллана олмаслиги, синтагмаларни ёки сўзларни бирлаштириш, кенгайтириш қобилятига эга эмаслиги, морфологик томондан айрим семантик морфемаларга бўлинмаслиги, урғуни қабул қилмаслиги, гапнинг бирор мустақил бўлаги бўлиб келолмаслиги билан ажралиб туради. Улар гапда иштирок этган сўзларга боғланиб келгандагина аташ, сабаб, мақсад, фазо каби қўшимча маъноларни ифодалаб келадилар»(2,127). Яна: «Сўнгкўмакчилар гап ичида мустақил мавқени (ҳолат) эгаллай олмайдилар, шунинг учун ҳам улар гап бўлаклари бўлолмайдилар. Бу эса уларнинг қадимги вақтда мустақил лексик маъноли сўз эканлигини ва мустақил гап бўлаги бўлиб келганлигини инкор қилмайди. Булар, ўтмишда мустақил сўзлар бўлиб, тил тараққиётининг кейинги даврларида сўнгкўмакчи ҳолига келганлиги бизга маълум (3,31).

Кўмакчиларнинг лексик-семантик маънолари мавжуд эмаслиги ҳақидаги фикрни асосли деб ҳисоблар эканмиз, улар ифода этаётган

грамматик маънолар йўқ жойдан пайдо бўлиб қолмаганлиги, балки бу бирликларнинг қадимда мавжуд бўлган лексик маъноларига асосланган ҳолда вужудга келишини таъкидлаймиз. Мана шу ўринда Т.Рустамов таҳлил қилган ва юқорида келтирилган **мақсадда, сабабли** кўмакчилари мисол бўла олади. Ёки **бўйича** кўмакчиси ифода этадиган асосланганлик, мослик, мутаносиблик, чегараланганлик каби грамматик маънолар негизида ҳам бу сўздаги маъно тараққиёти, ундаги полисемантик имкониятларнинг кенгайганлиги, кўчма маъноларда қўлланила бошлаганлиги асос бўлган бўлиши мумкин. Шу ўринда Ж.Ҳамдамовнинг ушбу фикрини келтириш ҳам муҳим: «... уларнинг баъзилари қайси туркумдан ажралиб чиққан бўлса, ўша туркум билан алоқасини ҳанузгача сақлаб келаяпти (*қаш, гирд, утру рўпара, ич, кейин* кабилар), баъзилари эса ўзи ажралиб чиққан туркум билан алоқасини бутунлай узган, уларнинг этимологияси ноаниқ (*учун, каби, башқа, озга, сонра, айру, бэри* ва бошқалар). Қаердан келиб чиққани ноаниқ, ўзгармас шаклга эга бўлган кўмакчиларни ҳақиқий кўмакчилар деб, **мундын бурунроқ, таш алдыга, кошк йузасиндэ, андын сонрарақ, бизин арамызда** каби келишик, сон, эгалик ва бошқа қўшимчалар билан ишлатила оладиган кўмакчиларни кўмакчи отлар деб ҳисоблаш мумкин» (7, 82).

Юқорида айтилганларга асосланган ҳолда айтишимиз мумкинки, лексик маъно кўмакчилар учун хос хусусият эмас. Аммо бу фикр айтилганда фақат ўзбек тилидаги соф кўмакчилар назарда тутилади. Функционал кўмакчилар эса матний хусусиятга эга. Улар бир матнда ўзларининг мавжуд лексик маъноларини сақлаган бўлиши, бошқа бир ўринда эса кўмакчи вазифасини бажараётган бўлиши мумкин. Ҳ.Неъматов «мустақил-ёрдамчи сўзлар» деб номлаган оралик сўзларнинг мавжудлиги ва уларнинг кўмакчи вазифасини бажариши бу бирликлардаги лексик ва грамматик маъноларнинг бир-бирларига боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов.- М., 1969. – 608 с.
2. Бердиёров Ҳ. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сўнгкўмакчилар: Филол.фан. номз. ...дис-я. – Самарқанд, 1949. – 134 б.
3. Благова Г.Ф. XV-XVI асрлар эски ўзбек адабий тилидаги кўмакчилар ҳақида// “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. -1963.- №3.
4. Кононов А.Н. «Грамматика языка тюркских рунических памятников.VII-IX вв.»- Л, 1980.
5. Неъматов Ҳ.Ғ. XI-XII аср ёзма ёдгорликларида кўмакчилар//Ўзбек тили грамматик қурилиши, лексикология ва диалектологияси масалалари. V чиқиши. – Самарқанд:СамДУ нашри, 1976. – 39-50 б.
6. Рустамов Т. Соф кўмакчилар.- Тошкент: Фан, 1991. – 124 б.
7. Ҳамдамов Ж. Ўзбек тили тарихи. Иккинчи қисм. Тарихий морфология. Иккинчи бўлим.- Самарқанд: СамДУ нашри, 2003. – 82-91б.
8. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Т.:ЎМЭ, 2002. –168 б.

SUMMARY

The article reviews the linguistic features of auxiliary words of the Uzbek language

The linguistic features of auxiliary words

A.B.Pardayev

Samarkand State University

Ушбу мақола «Қарақалпақ мамлекетлик университетининг хабаршыси» журналада (Нукус, 2011. –№ 1-2(10-11). –Б. 93-96.) нашр этилган